

НЕМИС ТИЛИДАГИ АГРАР СОҲАГА ОИД ТЕРМИНОЛОГИЯНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Хидирова Гулзода Турдиалиевна

Немис тили ўқитувчиси

ЎзДЖТУ мустақил тадқиқотчиси

Тошкент давлат аграр университети. Тошкент, Ўзбекистон

ЯЗЫКОВЫЕ ОСОБЕННОСТИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ В НЕМЕЦКОМ ЯЗЫКЕ

Гулзода Турдиалиевна ХИДИРОВА

Преподаватель немецкого языка

Самостоятельный соискатель УзГУМЯ

Ташкентский государственный аграрный университет. Ташкент, Узбекистан

LINGUISTIC PROPERTIES OF AGRICULTURAL TERMINOLOGY IN GERMAN

Gulzoda Turdialievna KHIDIROVA

German language teacher

Independent researcher of UzSUWL

Tashkent State Agrarian University

Tashkent, Uzbekistan gulzoda@yandex.ru

UDC (УЎК, УДК): 81. 631

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):

Хидирова Г. Т. Немис тили аграр соҳа терминологиясининг лингвистик

хусусиятлари.//

Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 2 (37). —Б. 55-70.

<https://doi.org/10.36078/1624434491>

Received: February 12, 2021

Accepted: April 17, 2021

Published: April 20, 2021

Copyright © 2020 by author(s) and Scientific Research Publishing Inc.

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Немис тилидаги терминологияга оид сўзлар одатда соҳага доир луғат ва глоссарийларда шакллантирилган бўлади. Йиллар ўтиши билан немис тилида тезаурусларни тузиш учун янги стандартлар ишлаб чиқилди ва анъанавий тезауруслар ўрнини ҳужжат мақомидаги луғатлар эгаллай бошлади. Ҳозирги даврда соҳа тилида нафақат соф терминлогик тушунча ва номлар, балки кўплаб соҳага яқин бўлган сўзлар ҳам кенг миқёсда қўлланилмоқда. Немис тилининг аграр соҳа терминологияси икки манба, яъни ички ва ташқи манбалар асосида ривожланади ва такомиллашади. Немис тили терминлогик тизимларининг ривожланишида шу тилнинг ички имкониятлари алоҳида ўринга эга. Немис тилида аграр соҳа терминларининг ясалишида, асосан, сўзларнинг лингвистик хусусиятлари ва сўз ясалиши усуллари муҳим аҳамият касб этади. Немис тилидаги аграр соҳа терминларини тавсифлаш, таснифлаш ва лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш натижасида аён бўладики, қишлоқ хўжалигига доир терминлар, асосан, учта турдаги сўз туркумига мансуб экан, булар — от, феъл ва сифат. Шунингдек немис тили аграр соҳа терминлари қўшма сўзлардан ташкил топиб, сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил қилиши немис тили қўшма сўзларга бойлигига, яна бир бор аграр терминлари мисолида ўз тасдиғини топмоқда.

Калит сўзлари: лингвистика; лингвистик хусусиятлар; термин; аграр термин; терминология; тезаурус; вокабуляр; глоссарий; номенклатура; сўз яшаш усуллари.

Аннотация. Терминологические слова в немецком языке обычно структурируются в специализированных словарях и глоссариях. С

годами вместо глоссариев стали выпускаться стандартизированные словари с статусом официального документа. В настоящее время в обиходе пользуются не только настоящие терминологические понятия и наименования, но и близкие к специальности слова. Аграрная терминология немецкого языка развивается и совершенствуется на основе внутренних и внешних факторов. В немецком языке преобладают внутренние потенции развития терминологических систем. Лингвистические особенности слов и способы словообразования играют важную роль при построении аграрных терминов в немецком языке. В результате описания классификации и лингвистического анализа сельскохозяйственных терминов в немецком языке становится ясно, что термины сельского хозяйства относятся к трем основным частям речи — существительному, глаголу и прилагательному. Также в статье говорится о таком факте, что термины аграрного сектора в немецком языке состоят из составных слов и образуют множественное число.

Ключевые слова: лингвистика; языковые особенности; термин; аграрный термин; терминология; тезаурус; вокабуляр; глоссарий; номенклатура; методы; словообразования.

Abstract. Words related to German terminology are usually structured in specialized dictionaries and glossaries. Over the years, new standards for the construction of thesauruses in German were developed, and traditional thesauruses began to be replaced by documentary dictionaries. Currently, not only pure terminological concepts and names but also words close to many fields are widely used in the field language. The agrarian terminology of the German language develops and improves on the basis of two sources, namely internal and external sources. The internal possibilities of the German language have a special place in the development of terminological systems. Linguistic features of words and methods of word formation play an important role in the construction of agrarian terms in German. As a result of the description of the classification and linguistic analysis of agricultural terms in German, it becomes clear that the terms of agriculture refer to the three main types of parts of speech - noun, verb and adjective. In addition, the fact that the majority of German-language agrarian terms are composed of compound words is confirmed by the richness of German compound words on the example of agrarian terms. The terms of the agricultural sector in the German language are composed of compound words and form the plural, the wealth of compound words in the German language is confirmed on the example of agricultural terms.

Keywords: linguistics; linguistic features; term; agrarian term; terminology; thesaurus; vocabulary; glossary; nomenclature; word formation methods.

Кириш. Терминология — соҳа мутахассисларининг ўзаро мулоқот қилиши, билим ва кўникмаларни тартибга солиши ҳамда малака алмашинуви учун восита ҳисобланади. Шунинг учун соҳа мутахассислари терминология ёрдамида техникавий коммуникация қилиш, таржима ишларини амалга ошириш ва соҳа тилини нормага келтириш масалалари билан кўп йиллардан бери шуғулланиб келмоқдалар. Бугунги глобаллашаётган, иформацион ва коммуникацион технологиялар ривожланаётган даврда тадбиркорлар иқтисодий муваффақиятларга эришиш учун ўзаро ҳамкорлик ва халқлараро мулоқот жараёнида терминология ютуқларидан кенг фойдаланмоқдалар (1,89). Немис тилининг аграр соҳа терминологияси, бошқа терминологик тизимлар

каби, икки манба, яъни ички ва ташқи манбалар асосида ривожланади ва такомиллашади. Қуйида биз бу ҳақда батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Асосий қисм. Немис тилидаги терминологияга оид сўзлар одатда соҳага доир **луғат ва глоссарий**ларда шакллантирилган бўлади. Аксарият терминологик сўзлар назорат қилинувчи **вокабуляр** (соҳага оид махсус сўз ва сўз бирикалари тизими)га жамланади. Терминологик сўзлар белгиланган тартибда **терминологик маълумотлар захираси(банки)**га жойлаштирилади ва лозим бўлса таржимага тортилади.

Лингвистик тадқиқотлар йўналишида янги соҳа, яъни терминлар ҳақидаги таълимот шаклланди. **Терминология ёки терминлар ҳақидаги таълимот** — соҳа ва мутахассислик тили билан шуғулланадиган, шу соҳага доир тушунча ва номлар тўғрисидаги илм-фан йўналишидир. Терминологияда барча тушунчалар маъновий кўрстакларига кўра бир-биридан соҳага оидлиги жиҳатида ажратишиб ўрганилади. Шу мезонлар асосида бутун бир тушунчалар тизими, яъни системаси ташкил топадики, унда ҳар бир термин ўз тизимидаги ўрнига кўра аниқланади. Соҳага доир тушунча ва шу тушунчалар тизимининг шаклланиши, уларни, жумладан соҳа фразеологизмларини ҳам, таърифлаш ва номлаш — **терминологиянинг предмети** ҳисобланади. Терминология — терминология соҳасидаги амалиёт ва терминография ҳамда терминларни тизимли равишда қамраб олиш, шу каби ишларни бошқариб туриш учун асосий тушунча ва мезонларни ишлаб чиқаради. Терминология соҳасидаги амалиёт жараёнида соҳага оид сўзлар қайта ишланади, тизимга солинади ва қўлланиш учун тайёр ҳолатга келтирилади. Терминология соҳасидаги амалиёт жараёнида кўп тиллик мулоқот учун методик ишланмалар тайёрланади.

Тилшуносликда **терминология**, яъни **терминлар ҳақида таълимот**га нисбатан ягона ном бериш масаласи кўриб чиқилмаган ва шу сабаб бу икки термин бир-бирига нисбатан синоним тарикасида қўлланмоқда.

Немис тилида доимий равишда қўлланадиган кўпгина лисоний ифодалар қатори лотин ва юнон тилига мансуб бўлган сўзларнинг таркибий қисмларини учратамиз. Масалан, лингвистика (lotin. *lingua* — “тил”), лексикология (lotin. *lexis* — “сўз”, *logos* — “таълимот”), лексикография (yunon. *lexikon* — “луғат”, *grapho* — “мен ёзаман”, яъни “мен луғат ёзаман, мен сўзни тасвирлайман”) (4, 509). Немис тилидаги нисбатан янги терминлар инглиз тилидан ўзлаштирилган. Баъзи бир терминлар эса француз тилидан олинган. Лингвистик соҳа терминларининг бошқа соҳа терминларига нисбатан бўлган таъсири сезилиб туради.

Немис тилида терминларнинг **маълумотлар базаси (захираси, банки)** ташкил қилинган. Ушбу маълумотлар базасидан оддий **луғат**лардан тортиб **глоссарий**лар ва **тезаурус**лар ҳам ўрин олган.

Илгарилари тезаурус дейилганда бирор-бир тилга оид илмий асарлар тўплами ва ундаги жам бўлган барча сўзлар йиғиндиси тушунилар эди. Энг машҳур тезауруслар қуйидагилар ҳисобланади: Юнон тили тезауруси (der Thesaurus Linguae Graecae) ва Лотин тили тезауруси (der Thesaurus Linguae Latinae).

Тезаурус сўзи қадимги юнон тилидан олинган (*thesaurys* — “бойлик, бойлик сақланувчи уй”). Бу сўз, яъни *tresor* — “сўзлардан ташкил топган тўр қатлам” маъносини ҳам англатади.

Тезаурус термини бирор-бир соҳага доир мавзулардаги сўзлар йиғиндиси, илмий сўзлар тўплами каби маъноларда ҳам қўлланади. Тезаурус доим қайта ишланиб турувчи, назоратдаги сўзлар, синонимлар, антонимлар, асосий ва бошқа тушунчаларни англатувчи сўзлар йиғиндиси, луғати ҳам ҳисобланади. Бу каби луғатларда сўзлар тематик (мавзуий) жиҳатдан ҳам жамланган ва таснифланган бўлади, масалан: Bildnis (Synonym: Abbild, Bild, Spiegelbild), Tischler (Oberbegriff: Handwerker), яъни (расм: синоними: сурат, тасвир, ранг тасвир), дурадгор (ҳунарманд). Умуман олганда тезаурусларда сўз маънолари жамланган бўлади ва шу сабаб уларни билимлар жамғармаси, луғати, энциклопедияси деб ҳам атаса бўлади.

Термин сўзи “турғун ифода, соҳага оид сўз” маъносида немис тилида XV асрдан буён қўлланар экан. Латин тилидаги *terminus technicus* сўз ибораси XVII асрда муаомалага кирган. *Terminus* ва *logie* каби сўзлардан ташкил топган сўз бирикмаси “тартибга келтирилган сўз бойлиги, терминлар ҳақида таълимот” маъносида немис тилида XVIII асрдан бошлаб қўлланмоқда.

“Термин (соҳага оид сўз) тушунча англатувчи ва номловчи сўз сифатида терминологиянинг элементиدير” (2, 102).

Терминнинг шу хусусиятини инобатга олган ҳолда, терминга куйидагича таърифлар келтирилган:

— “Таърифга тортилган ва нормалаштирилган номланиш.

— Таърифга тортилган лекин аниқ равишда нормага келтирилмаган номланиш.

— Бирор-бир фан йўналишининг соҳага оид бўлган тушунчасини ифодаловчи сўз, назарий жиҳатдан терминологик таълимотда аниқ таърифланиши зарур бўлган тил бирлиги” (12, 6).

Бир ёки бир неча сўзлардан ташкил топган лисоний белги термин деб аталади. Тушунча, номланиш ва нарса (предмет) ўртасидаги муносабатлар семиотик учбурчак ҳосил қилади. Бу каби дефиниция (таъриф)дан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, термин тушунчаси нафақат лисоний ифода, балки тил бирлигининг маъно-мазмуну билан ҳам боғлиқдир.

В. Шмидт (14, 15–20) тавсифига асосан, термин куйидаги белги-хусусиятларга эга бўлиши шарт: *Соҳага боғлиқлигига кўра*: Термин соҳа тилининг таркибий қисмидир. *Тушунча белгисига кўра*: Термин соҳага оид тушунча бўлмоғи даркор. Бу тавсифлар асосида таъкидлаш жоизки, термин мавҳум фикр ифодасидир. *Аниқлик ифодасига кўра*: Маъно ифодаси аниқ-тиниқ бўлмоғи лозим. Термин маъноси бошқа соҳа сўзлари маъносига боғлиқ бўлмаслиги даркор. “Аниқ маъно ифодадаши лозим” каби талабга барча терминлар ҳам жавоб бера олмайди. Аксарият соҳа терминлари аниқ маънога эга эмас ва маъноси чегараланмаган. *Бир маънони ифодалашига кўра*: Бир маънолилик аниқ-тиниқлик масаласининг муҳим жиҳатидир. Терминнинг маъноси контекстга боғлиқ бўлмаслиги лозим, терминни контекстга қарамасдан маъносини англаш мумкин бўлиши керак. Терминнинг товушлар тизимидан унинг маъносини англаш мумкин бўлиши лозим. Бу тавсиф терминларнинг метафора сифатида қўлланганида ҳам муҳим, масалан: *Wärme, Knie. Қисқалигига кўра*: Терминлар иложи борича қисқа бўлиши ва бир маънони англатиши лозим. Техника соҳасига оид бўлган: “*Trapezgewindeschleifmaschine*” термини шаклан нисбатан узун ва мазмуни ҳам ғализ. *Эстетик, экспрессивлик ва ҳиссиёт жиҳатидан*

нейтраллик сақланишига кўра; Эстетик жиҳати: Бирор-бир термин чиройли талаффуз қилиниши, қулоққа яхши эшитилиши каби жиҳатига кўра иккинчи бир терминнинг ўрнига, устун қўйиб қўлланмаслиги лозим. Термин экспрессивликка ва ҳиссий жиҳатларга, тарбияий характерга (субъективликка) эга бўлмаслиги лозим. Соҳага оид терминга коннотатив маъно беришдан воз кечиш керак (15, 103).

Соҳа тилини меъёрга келтириш, яъни терминларни нормалаштириш масаласида ҳар бир мамлакатда махсус институцион ташкилотлар таъсис этилган. Мазкур ташкилотлар товарларни номлаш, терминларни нормалаштириш каби масалалар билан шуғулланади ва чегарадан товар олиб кириш ва олиб чиқишда ушбу нормалар жорий қилинади. Масалан, *DIN-A4-Blätter (DIN-A4 меъёрий ёрлик-қозоғи)* — электр лампалари ва штепселли розетлар учун норматив ҳужжатдир. Бу норматив ҳужжат Германия Федератив Республикасидан ташқарида, хорижий давлатларда ҳам электр жиҳозлари учун қўлланади. Соҳа тили учун жиҳозларни ускуна ва бошқа товарларни нормалаштириш асосий вазифалардан бир ҳисобланади. Соҳа тилида меъёрий ҳужжат — нарса-предметнинг номи ва англатувчи маъносидан кейинги ўринда туради. Соҳа тилини меъёрга келтириш ҳаракатларининг бошланганига кўп вақт ўтгани йўқ. Нормага келтириш ҳаракатларининг сустиги, нормаларнинг регионал даражадаги фарқлари мавжуд эди. Бугунги кунда эса нормалаштириш жуда муҳим амалиёт эканлиги маълум бўлди.

Номенклатура (лотин: *nomenclatura* — „номкўрсаткич“) қўлланиш соҳаси ва шу мавзуга доир йўналишлардаги **номлар, терминлар йиғиндиси, тўпламидир**. Бирор-бир соҳага оид номларнинг йиғиндисини, тўпламини терминология ташкил қилади. Номенклатура ўз навбатида терминологик таълимотнинг таркибий қисмидаги номлар тўплами ҳисобланади, масалан: биология фанидаги тирик жонзотлар номенклатураси, кимёвий бирикмалар номенклатураси в.х.

Соҳа тилига доир тадқиқотларда мазкур номенклатура ва терминология каби таърифларга нисбатан фикрлар хилма-хил. Баъзи тадқиқотчилар бундай ажратишга ва бу каби таърифларга қўшилмайди. О. Ахмановнинг номенклатура терминига берган қуйидаги таърифи аксарият олимлар қўшилмайди, қаранг: “Номенклатура — бирор-бир фан йўналишидаги объектларнинг номи, махсус терминологик номларнинг йиғиндиси, тўпламидир. Улар ёрдамида шу фан йўналишига доир абстракт тушунча ва категориялар номланган бўлади” (16, 509).

Юқорида таъкидланганидек, немис тилининг аграр соҳа терминологияси, бошқа терминологик тизимлар каби, икки манба, яъни ички ва ташқи манбалар асосида ривожланади ва такомиллашади.

Терминологик тизимларнинг бойиш йўллари ҳар хил бўлиб, унинг асосийси сўз яшаш ҳисобланади. Сўз яшаш, умуман, қандай усул, қандай восита орқали амалга оширилмасин, янги сўз ҳосил қилишдан иборатдир.

Немис тилида аграр соҳа терминларнинг ясалишида, асосан, сўз ясалиши усулларида фойдаланилади. Шунингдек сўз ясалиши жараёнида терминларнинг морфологик жиҳатдан таҳлил қилиш жараёнида қишлоқ хўжалиги терминларининг, *флекция* (луғавий маъноси сақланган ҳолда сўз шаклини ўзгартириш натижасида янги сўз ҳосил қилиш) ва *сўз яшаш* каби бўлимлардан ташкил топган (17, 352).

Сўзларнинг бир туркумдан иккинчисга ўтиши каби *конверсия* деб аталувчи лисоний ҳодиса немис тили сўз таркибининг бойиши манбаларидан бири бўлиб, аграр соҳа терминларининг ясалишида

сермахсул усуллардан ҳисобланади. Мавҳум ҳодисаларни ифодаловчи феълнинг инфинитив шакли бу каби лисоний ҳодисаларга мойил, яъни улар от сўз туркумига ўтади ва янги сўзлар ҳосил қилади, масалан: *reiten* — *das Reiten*. Немис тилидаги сифат лексемалари ҳам маҳсулдор равишда от сўз туркумидаги янги сўзлар ясайди (*laut, der Laut*).

Конверсия ҳодисаси соҳа ва мутахассислик тилида ҳам маҳсулдор сўз яшаш усулидир. Бу каби ҳодисаларнинг якуний натижаси от сўз туркумидаги сўзларни яшаш, яъни инфинитивларнинг отлашуви ҳисобланади, масалан: *das Reiten, das Brennen* от сўз туркуми „*reiten*“, „*brennen*“ инфинитивининг янги сўз ясаши, сифатнинг отлашуви: *das Grün*, сифатдошнинг отлашуви: *die Vorsitzende, die Lernende*, сон сўз туркумининг отлашуви: *der Erste*.

Немис тилидаги аграр соҳа терминларини тавсифлаш, таснифлаш ва лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш натижасида аён бўладики, қишлоқ хўжалигига доир терминлар асосан учта турдаги сўз туркумига мансуб экан, булар — от, феъл ва сифат. Таҳлилий маълумотлар кўрсатишича, немис тилидаги аграр соҳа терминларининг 90 % от сўз туркумига мансуб ва улар қуйидаги кабилардир, қаранг:

1-жадвал

От сўз туркумига мансуб аграр соҳа терминлари

die Aminosäure	die Rohhumusaufgabe
das Ammonium	die Absalzung
die Amöbe	der Feinschlag
die Frucht	die All-Mash-Fütterung
der Warenkorb	das Fallnest
die Tara	die Beobachtung
der Warmblüter	die Nebenkosten
der Beladeplatz	das Absatzbecken
der Beladesack	der Abwachsteich
das Lammfell	der Fallgang
der Realitätenbesitzer	der Lehmboden
das Ankippen	die Pferdehaltung
die Anzucht	das Abbürsten
der Gartenbau	das Abzeilen
das Mesenterium	die Fettmast
der Fettschweiss	das Futter
die Handarbeit	der Faktorenaustausch
das Badland	der Futtermvorrat
die Fehrkuh	die Abstammung
die Linearität	das Alentejo-Rind

das Rührchen	der Flachstall
das Läppchen	die Frühlmast
die Langfrucht	die Futterversorgung
die Algesie	die Losblätter
die Alantiasis	das Fassdämpfen
das Kürzen	der Feuchtapparat
die Färbentraube	die Silage
der Weidepflege	der Lüfter
der Rabbit	der Lederabfälle pl.
das Fangholz	das Algenmehl
das Tier	die Alkalikomponente
die Tierkrankheit	die Falschblütigkeit
die Farmzucht	die Tierhaltung
der Stall	die Fischerei
die Tierzuchtanlage	die Molkerei
das Lichtschema	das Molprozent
der Bauer	die Bienenzucht
die Stallanlage	der Pflanzenbau
das Leineweben	die Abschnittsmasse
der Abreitraum	der Gemüsebau
die Blüte	der Obstbau
die Falkade	die Pflanze
das Faschen	der Weinbau
der Betrieb	der Boden
der Familienbetrieb	die Bodenarten
das Malzeichnen	die Bodenbearbeitung
die Fälle	die Bodenkultur
der Fangkanal	die Milchverarbeitung
das Faschen	die Vermarktung
die Rasse	die Saisonarbeit
die Weide	die Nachtarbeit
die Düngung	die Überstunde

Немис тилидаги аграр соҳа терминологиясининг 5% ни сифат сўз туркуми ташкил қилади (8, 172–314). Улар қуйидаги каби сифатлардир:

2-жадвал

Сифат сўз туркумига мансуб аграр соҳа терминлари

1. <i>Stammlos</i> — бот. <i>бесстебельный</i> — ботаникага доир, <i>поясиз</i> .
2. <i>Lehmfrei</i> — почв. <i>не содержащий глины; неоголенный; не содержащий глинистых включений</i> — тупроқшуносликка доир, <i>тупроқсиз, гилсиз, лойсиз, тупроқ, гил ва лойдан ҳоли</i> .
3. <i>Kurzoehrig</i> — экз. <i>короткоухий</i> — экзотик ҳайвон, <i>калтақулоқ</i> .
4. <i>Fängig</i> — энт. <i>привлекающий, аттрактантный</i> — <i>жозибали, ўзига жалб қилувчи, жозибадор</i> .

Таҳлил натижасида немис тилидаги аграр соҳа терминларининг 15% феъл сўз туркумига оид эканлиги маълум бўлди. Улар қуйидаги каби феъллардир:

3-жадвал

Феъл сўз туркумига мансуб аграр соҳа терминлари

1. <i>abferkeln</i> – болаламоқ.
2. <i>absetzen</i> – (тупроқни) текисламоқ, пишитмоқ.
3. <i>auflaufen</i> – куртакламоқ, куртак чиқармоқ.
4. <i>aufzuchten</i> – парваришламоқ, етиштирмоқ, культивация қилмоқ.
5. <i>düngen</i> – озиқлантирмоқ, озуқа бермоқ.
6. <i>drillen</i> – агатлаб, қаторасига экмoқ.
7. <i>melken</i> – сут соғмоқ.
8. <i>nachbauen</i> – алмашлаб экмoқ.
9. <i>pflügen</i> – ер ҳайдамоқ, ерни чопмоқ.
10. <i>säen</i> – экмoқ, экин экмoқ.
11. <i>futtern</i> – озиқлантирмоқ, ҳайвонни озиқлантирмоқ.
12. <i>silieren</i> – силос тайёрламоқ, (дағал хашак тайёрламоқ).
13. <i>werfen</i> – ерни текисламоқ, тупроқни пастқом жойга отмоқ.
14. <i>einpflanzen</i> – ўстирмоқ, ўсимлик ўстирмоқ.
15. <i>fressen</i> – емоқ, ҳайвонларнинг озиқланиши.

Немис тили аграр соҳа терминологик тизимининг бойиши жараёнида тилнинг лексикологик сатҳида турлича лисоний моделлар ҳосил қилиниб, сўз шакли ўзгарган ҳолда ёки турли сўз ясовчи воситалари ёрдамида янги сўз ясалиши кузатилади.

“Сўз ясовчи воситалар” (3, 125) деб сўзнинг ўзак-негизига (“*der primäre Stamm*”) қўшиладиган бирор-бир морфема, яъни бирорта аффикс тушунилади, масалан: *Müller* лексемасидаги *-ler* қўшимчаси ёки *bedienen* сўзидаги *be-* аффикси.

Немис тилида сўзларнинг ўзак-негизи махсус хусусиятларга эга. Баъзи ҳолларда улар “*der primäre Stamm*” (маъно юклатилган) ёки “*der sekundäre Stamm*” (иккиламчи маъно юклатилган, қўшма сўзнинг таркибидаги ўзак қисм) вазифаларини бажаради. Лекин *Tischtuch* лексемаси таркибидаги ҳар икки сўз ҳам “*der primäre Stamm*”

ҳисобланади. Шунга мувофиқ ушбу қўшма сўз бутунлигича “*der sekundäre Stamm*” ли лексема деб ҳам аталади.

Аксарият ясама сўз моделлари турлича маъноли лексемалардир, масалан, *-er* аффикси ёрдамида ясалган сўзлар касб номини (*Arbeiter*) ёки предметнинг номини (*Dampfer*) ифодалайди.

Немис тилида сўз яшашнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- Қўшма сўз яшаш;
- Аффикслар ёрдамида сўз яшаш (*die Ableitung*);
- Қисқартма сўз яшаш;
- Конверсия (сўзларнинг бир туркумдан иккинчисига ўтиши натижасида сўз ясалиши);
- Сўзларнинг ички флекцияси натижасида янги сўз ясалиши (*Brechung, Umlaut, Ablaut*).

Қўшма сўз яшаш икки ва ундан ортиқ сўзларнинг бирикуви натижасида амалга ошади ва натижада янги лексема ҳосил бўлади. Немис тилининг шаклланиши ва ривожланиши жарёнида қаратқич келишидаги аниқловчи гапда эгадан олдин мустақкам равишда жойлашуви натижасида қаратқич келишкли от бирикмалари (қўшма сўз) ҳосил бўлиши кузатилади. Шу сабабли сифат + от қурилмали моделлар (масалан, *Schwarzbrot*) қўшма сўз ясалишининг махсулдор усули ҳисобланади. Ясалиш мезонларига асосан қўшма сўзлар қуйидагича таснифланади:

Қўшма сўз таркибидаги сўзларнинг бирор-бир сўз туркумига мансублигиа кўра, яъни от + от – (*Hofhund*);

— Аниқловчи компонентли қўшма сўзлар (*Determinativkomposita*), бундай ҳолларда қўшма сўзнинг биринчи қисми иккинчисини аниқлайди, масалан: *Schwarzbrot, Gartenhaus*;

— Копулатив компонентли (*Kopulativkomposita*), яъни қўшма сўзнинг компонентлари ўзаро тенг муносабатга киришади, масалан: *taubstumm, Kleiderschürze, dreizehn*;

— Битишув (*die Zusammenrückungen*), яъни қўшма сўзнинг компонентлари ўз семантикасини сақлаб қолади, лекин умумий маъно хиралашади, масалан: *Vergissmeinnicht, Waldesruhe*;

— Қўшма сўзга аффикс қўшиш натижасида янги сўз яшаш (*die Zusammenbildungen*), масалан: (*Schuh+machen+er*) — *Schuhmacher, Arbeitgeber*.

Немис тилида қўшма сўз яшашда от сўз туркуми жуда фаол. Қўшма сўз таркибидаги сўз иккинчисининг маъносини аниқлаб ва белгилаб берса, бундай қўшма сўзлар “**Determinativkomposita**” (детерминатив компонентли қўшма сўзлар) деб аталади, масалан: “*Haus*” — *Haus* сўзи “*Tor*” сўзини аниқлаб ва белгилаб беради. (*Uй дарвозаси, яъни ҳовлидаги дарвоза*).

Копулатив компонентли (Kopulativkomposita), яъни қўшма сўзнинг компонентлари ўзаро тенг муносабатга киришадиган **қўшма сўзлар**да эса “*Determinativkomposita*”дан фарқ қилади, масалан: “*Spielertrainer*” (*ўйинда иштирок этувчи тренер, ўйинчи-тренер*) ёки “*Dichterkomponist*” (*ҳам шоир, ҳам композитор, шоир-композитор*).

Юқоридаги детерминатив компонентли (“*Haus*”) қўшма сўзда “*Tor*” сўзи “*Haus*” сўзига нисбатан бирламчи (*Oberbegriff*) маънода қўлланмоқда, “*Haus*” сўзи эса бу ерда икиламчи (*Unterbegriff*) маъно касб этмоқда. Лекин “*Schleifmaschine*” қўшма сўзи бошқа шу каби қўшма сўзга

нисбатан бирламчи маънода қўлланиши мумкин, масалан: "Gewindeschleifmaschinen".

Демак, немис тилидаги қўшма сўзлар ўзига хос мураккаб семантик-синтактик ва мантикий хусусиятларга эга экан. Мутахассислик тилида, хусусан аграр соҳада ҳам шу каби қўшма сўзлар учраб турадики, уларга аниқ-тиниқ таъриф ва тавсиф беришга тўғри келади.

Сифат лексемали қўшма сўзларда ҳам қарама-қарши маъноларга дуч келамиз. Баъзи сифат лексемалари қўшма сўз таркибида чизикча ёрдамида айириб ёзилади, баъзилари эса чизикчасиз ҳолда қўшиб ёзилади. Қуйидаги сифат лексемалар бошқа бир сифат билан бирикма ҳосил қилса қўшиб ёзилади: *-reich, -arm; -empfindlich, -fest*. Агар чизикча ёрдамида ёзилмаса бирламчи ва иккиламчи маъноларнинг ўрни алмашиб қолади, масалан: *graubunt, schwarzweiß, grünrot (grün und rot gemischt*, яъни яшил ва қизил аралаш) ёки *grün-rot (grün und rot kommen getrennt vor*, — яшил ва қизил аралашмаган ҳолда).

Детерминатив компонентли қўшма сўзларда феъл иккинчи (охирги) қисмда ўрин олади, от билан қўшма сўз ҳосил қилганда эса феъл биринчи (олд) қисмда жойлашган бўлади.

Немис тилидаги қўшма сўзларнинг тавсифи, таснифи ва таърифларини ўрганиб, кузатиш, таҳлиллар ва далилий материаллар асосида аён бўлдики, улар (қўшма сўзлар) аграр соҳа терминлари сифатида ҳам фаол равишда намоён бўлар экан. Қуйидаги жадвалда келтирилган таркибли (қўшма сўз шаклидаги) аграр соҳа терминлари бунга мисол, қаранг:

4-жадвал

Таркибли (қўшма сўз шаклидаги) аграр соҳа терминлари

der Warenkorb	die Mosaikprägung
die Färbentraube	der Flachstall
die Farmzucht	die Frühmast
die Tierzuchtanlage	der Feuchtapparat
der Ferienjob	die Landwirtschaft
der Familienbetrieb	das Algenmehl
das Malzeichnen	die Flächenveränderung
die Landnutzung	die Falschblütigkeit
die Agrarpolitik	das Molprozent
das Fallnest	die Abschnittsmasse
der Nebenkörper	die Naturschutzpolitik
das Absatzbecken	der Fruchtkörper
der Abwachsteich	die Agrarlandschaftsplanung
der Fallgang	die Düngemittel
der Lehmwei	die Klimaschutzpolitik
die Fettmast	die Zuckerrübe
die Marktforschung	das Rindfleisch
der Faktorenaustausch	die Milchprodukte

Битишув (die Zusammenrückungen) (Vergissmeinnicht) натижасида ҳосил бўлган қўшма сўзларнинг компонентлари ўз семантикасини сақлаб қолади, лекин умумий маъноси хиралашган қўшма сўзлар ва **аффикс қўшиш натижасида ҳосил бўлувчи қўшма сўзлар**

(**Zusammenbildungen**) hozirgi nemis tiliда кенг тарқалган. Бундай кўшма сўзлар инсонларнинг ижодкорлиги маҳсули бўлиб, улар баъзан бир марта қўлланиш учун яратилгандай ва шу сабабли улар тил луғат таркибида ўрин олмаслиги мумкин.

Аффикслар ёрдамида сўз яшаш (die Ableitung) усули ҳам немис тилида сермаҳсул. Бу жараёнда олд кўшимча (префикс) ва суффикслар фаол иштирок этади. Аффикс деб сўз ясовси морфемаларга нисбатан айтилади. Аффиксларнинг икки тури мавжуд, яъни: олд кўшимча (префикс) ва суффикс.

Суффикс — сўз ясовчи морфема бўлиб, сўзнинг ўзаги ёки негизида кўшимча сифатида ўрин олади. Олд кўшимча (префикс) — сўз ясовчи морфема ҳисобланади ва сўз ўзаги ёки негизининг олд қисмига кўшиб ёзилади.

Аффикслар тилнинг тарихий жиҳатдан ривожланиши ва шаклланиши нуқтаи назаридан қуйидагича тавсифланади ва таснифланади:

1. Мустақил сўзлардан ҳосил бўлган аффикслар (масалан: *-schaft* суффикси „*Eigenschaft*“ (*хусусият*) от сўз туркумидан ҳосил бўлган, *dar-* олд кўшимчаси эса қадимги немис адабий тили (ahd.) даврида *dort* (*уш ерда*) равишидан ҳосил бўлган).

2. Сўзларнинг ўзак-негизидаги тарихий ривожланиши жараёнида ўзгариши натижасида аффиксларнинг ҳам шакли ўзгарган (сўзларнинг ўзак-негизига бирорта унли ёки ундошнинг кўшилиши натижасида қадимги *-ing* суффикси *-ling* шаклда ёзила бошлаган).

3. Чет тилларидан ўзлашган аффикслар (бу каби аффикслар немис тилидаги аслий сўзлар билан жуда ҳам кам ҳолларда кўшилиб сўз ясади. Масалан, *erz-* префикси лотин тилидаги *arci-* билан боғлиқ; *-ist*; *-ismus* суффикслари ҳам ўзлаштирилган).

Аффикслар қайси сўз туркумларини ясай олишга мойиллигига қараб, яъни морфологик мезонлар асосида қуйидагича тавсиф ва таснифланади:

Аффикслар сўзга грамматик жиҳатдан тавсиф бериш воситаси ҳисобланади. Шу жиҳат ва хусусиятларга кўра олд кўшимчалар суффикслардан фарқ қилади. Суффикслар сўзнинг қайси категорияга (от сўз тукумига ёки қайси жинс категориясига) мансублигини белгилаб беради. Уларни (суффиксларни) шу нуқтаи-назардан қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. От сўз туркуми ясовчи суффикслар: *-er*, *-ler*, *-ner* (мазкур суффикслар грамматик жинс категориясини аниқлаб кўрсатади, яъни мужской родга оид от сўз туркумини яшаш учун қўлланади).

2. Сифат сўз туркуми ясовчи суффикслар: *-lich*, *-bar*, *-ig*, *-sam*, *-haft* в.б.

3. Равиш сўз туркуми ясовчи суффикслар: юқорида кўрсатилган сифат сўз туркуми ясовчи суффикслар равиш яшаш учун ҳам қўлланади; Равиш ясовчи асл суффикс *-s*. (Масалан: *abends*, *morgens*, *mittags* в.х.).

4. Феъл туркумидаги сўз ясовчи суффикслар: *-n*, *-eln*, *-ern*, *-sen*.

Аффикслар семантик мезонлар асосида қуйидагича тавсифланади ва таснифланади:

Немис тили шаклланиши ва ривожланиши жараёнида аффикслар ўз маъноларини ўзгартирган, масалан:

1) Жамоавий тушунчаларни ифодалаш учун қўлланадиган суффикслар: *-schaft* — *Landwirtschaft*, *Studentenschaft*; *-tum* — *Bauernstum*.

2) Шахнинг хусусиятини ифодалашда қўлланувчи суффикслар: *Arbeitgeber, Leser, Sportler* в.х.

Аффиксларнинг тил тарихидаги ривожланиши ва шаклланиши мезонлари (тарихий принцип) асосидаги тавсиф ва таснифи:

Мазкур мезон асосида қуйидаги турдаги аффикслар мавжуд:

— Маҳсулдор ҳисобланмайдиган аффикслар (улар ёрдамида ҳозирги замонавий немис тилида янги сўзлар ясалмайди, масалан *-e, -el, -sel* — *Sessel, Gift* в.х.).

— Маҳсулдор аффикслар (аксарият аффикслар сермаҳсул: от ясовчи аффикслар: *un, ur, erz*; ажралмайдиган феъл ясовчи аффикслар; от ясовчи аффикслар: *-er, -ler, -ner*; сифат ясовчилар: *-lich, -ig*; феъл ясовчилар: *-ein, -ern, -sen*).

— Шаклланиш ва ривожланиш жараёнида турган янги аффикслар (улар мустикал сўзлардан ҳосил бўлган, масалан: ярим аффикслар: *-mann, -zeug, -fach*).

Аффикслар ёрдамида сўз яшаш жараёнига немис тилининг ички қонуниятлари таъсир қилади, яъни герман тиллари фонетик қонуниятлари асосида асосий урғу сўзнинг биринчи бўғинига тушади, баъзи префиксларга ҳам асосий урғу тушади. Префикслар асосий урғу олган ҳолатда, агар сўзнинг суффикси мавжуд бўлса, у ҳолда мазкур суффиксга иккинчи (иккиламчи) урғу тушади. От ясовчи *un-, ur-, erz-* каби префиксларга асосий урғу тушади ва ўз аслий маъносини йўқотмаган суффикслар эса иккиламчи урғу олади.

Соҳага оид ва мутахассислик тилларида умумий лисоний қоидаларга мустасно тариқасида, умумадабий немис тилида учрамайдиган усулда от туркумига оид сўзнинг кўплик шакли ясалади, масалан: *Druck* — *Drücke*. Лекин *-ling* суффикси умумий лисоний қоидалар асосида ўзига хос ноёб кўплик шакли ясай олади, масалан: *Wenn ich jemanden, der Gedichte schreibt, nicht Dichter, sondern Dichterling nenne, darf er wohl annehmen, dass ich seine poetischen Produkte nicht allzu hoch einschätze*. Ушбу *-ling* суффикси соҳа тилида тингловчи учун ғайри табиий, лекин негатив бўлмаган маъно касб этувчи, коннотация (12) маҳсули бўлган сўзларни ясайди, масалан: бирор-бир объектни зичловчи ускуна *Pressling* ёки қувур ҳолатидаги предмет, нарса *Rohling*.

Жумладан, *-los, -frei* каби суффикслар ҳам шулар қаторидан ҳисобланади, лекин уларнинг маънолари бир-бирига қарама-қарши бўлади. Масалан: *die Kraft wird riemenlos übertragen* жумласида бирор-бир ҳодиса иккинчисини талаб қилмаслигини англатади, яъни *куч камарсуз ҳам келади*. Қуйидаги жумлада эса суффикс ёрдамида ифодаланаётган маъно “*ҳоли, мавжуд эмас*”лигини англатиш мақсадида қўлланмоқда, яъни: *das Präparat ist arsenfrei* — *препарат маргумуш (мишияк)дан ҳоли, препаратда маргумуш мавжуд эмас*. Мавжуд эмаслик, ҳоли эканлиги маъноларини терминологик изоҳ ёрдамида ҳам ифодалаш мумкин, масалан: *praktisch arsenfrei*. Мазкур маънога алоҳида урғу бериш мақсад қилиб қўйилган бўлса, у ҳолда *völlig arsenfrei* каби сўз бирикмаси қўлланади.

Соҳа ва мутахассислик тилларида терминларнинг турли усулда ҳосил қилиниши кузатилади. Масалан, техникага оид мутахассислик соҳаси тилида *das Filte*; лингвистикада *die Partikel*, бошқа мутахассислик соҳаларида эса *das Partikel*, яъни бирор-бир усқунанинг функция бажарувчи қисми; мантиқ ва математика соҳаларидаги *der Kalkül* — „*Berechnung*“ каби терминлар.

Феъл туркумидаги сўзлар замон шакллари ҳосил қилишда кучли тусланувчи феълларга нисбатан кучсиз тусланиш фаол ҳисобланади. **Ablaut (феълнинг таркибидаги унлиларнинг ўзгариши)** ёрдамида замон шакллари ҳосил қилиш кучсиз феълларга хос жараёндир ва бу жараёнда *Dentalsuffix* яъни, тил олди товушлари мавжуд бўлган суффикслар иштирок этади. Масалан, умумадабий немис тилида: *saugen* — *sog* — *gesogen*, мутахассислик тилида эса: *saugen* — *saugte* — *gesaugt* (чангютгич ёрдамида қўлланганда умумадабий тил нормаларига асосан тусланади); шунга ўхшаш, умумадабий немис тилида, хабарлар, янгиликлар каби эшиттиришларда (радио тилида): *senden* — *sandte* — *gesandt* (*sendete* — *gesendet* шаклида ҳам), мутахассислик тилида эса: *senden* — *sendete* — *gesendet*.

Юқорида таъкидланганидек, янги сўз ясаши учун **композиция** (қўшма сўз яшаш), **деривация** (аффикслар ёрдамида сўз яшаш), **конверсия** (бир туркумдан иккинчи сўз туркумига ўтиш орқали янги сўз ясаши) ва **қисқартма сўзлар яшаш** каби усуллар мавжуд.

Аффикслар ёрдамида сўз яшаш (die Ableitung, die Derivation) — сўз таркибини бойитиш учун махсулдор бўлган усуллардан биридир. Таҳлилий ва далилий материаллар асосида маълум бўладиги, кўпгина аграр соҳа терминлари шу усулда ясалган, бунга қуйидаги жадвалда келтирилган терминлар мисол бўлади, қаранг:

5-жадвал

Аффикслар ёрдамида ясалган терминлар

die Wanderung	die Umwelt
die Anzucht	die Hoflage
die Düngung	die Weltwirtschaft
der Lüfter	die Gemeinde
die Vermarktung	die Absalzung
stammlos	das Abbürsten
das Röhrchen	die Lieferung
die Überstunde	der Lüfter
die Fischerei	die Unfallverhütung
die Imkerei	die Kühlung
die Käserei	das Brötchen

Қисқартма сўз яшаш усули, деганда тилда мавжуд бўлган қўшма сўзлар ва сўз бирикмаларини яхлит бир қисқартма ҳолига келтириб, қисқартилган сўз яшашга айтилади, масалан: *AF* — *Ackerfläche*.

Таҳлил натижасида қишлоқ хўжалиги соҳасига доир бир қанча қисқартма сўзлар борлигини аниқладик, маслан:

6-жадвал

Қисқартма сўз яшаш усули ёрдамида ҳосил бўлган терминлар

AF – Ackerfläche	GL – Grünland
AfW – Amt für Wasserwirtschaft	GrA – Grünland-Acker
BBG – Bodenbearbeitungsgerät	IfG – Institut für Geflügelzucht
BF – Betriebsfläche	IfP – Institut für Pflanzenschutzforschung
Df – deutsches Fleckvieh	IfT – Institut für Tierzuchtforchung
dz/ha – Doppelzentner/Hektar	KFM – Kraffuttermischwerk

Бир сўз туркумидан иккинчисига ўтиб сўз ясаши, яъни **конверсия (die Konversion, Konvertierung)** ўзига хос бўлган сўз яшаш усули ҳисобланади. Бундай усул билан ҳам сўз таркиби бойишига сабаб бўлади. Юқорида айтилганидаек, немис тилида феълнинг инфинитив формаси отлашади ва янги сўзлар ҳосил қилади. Сифатлар ҳам отлашиб, сўз таркибини бойитади.

Конверсия усулида сўз яшашга доир мисоллар қуйидаги жадвалда келтирилмоқда, қаранг:

7-жадвал

Конверсия усулида ясалган терминлар

das Ankippen	das Abzeilen
das Abwalzen	die Abstammung
das Kürzen	das Abzeichnen
das Abbürsten	das Ausformen

Немис тилида сўз ўзак-негиздаги унлиларнинг ўзгариши (**der Ablaut**) натижасида сўз яшаш каби ўзига хос усул ҳам бор. Масалан, *a* унлиси *u* унлисига ўзгаради ва янги сўз ҳосил қилинади (*a — u*): *Hahn, Huhn*.

Немис тилида урғу тушган бўғиндаги унлининг ассимляцияга учраб, урғу тушмайдиган кейинги бўғиндаги *i(j)* каби товушларнинг ўзгариши (**der Umlaut**) натижасида янги сўз ҳосил бўлади, масалан: *Verhältnis — verhalten*.

Урғу тушаётган унлининг таъсири натижасида урғу тушмайдиган кейинги бўғиндаги унли ассимляция (**Brechung**)га учрайди ва натижада янги сўз ясалади, масалан: *Gebirge — Berg* сўзидан ҳосил бўлган.

Хулоса. Хулоса шуки, немис тили аграр соҳа терминологик тизимининг ривожланишида шу тилнинг ички имкониятлари алоҳида ўринга эга экан. Чунки, тил лексикаси бойишининг биринчи ва энг муҳим манбаи унинг ўз ички ресурсларидир. Немис тилидаги аграр соҳа терминларини тавсифлаш, таснифлаш ва лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш соҳа терминларини умумлаштиради ҳамда тартибга солишга эришилади. Шунингдек қишлоқ хўжалигида янги технологияларининг кириб келиши, ривожланиши, аграр терминларини бойишига ва тилшуносликда бу терминларнинг ясашида алоҳида эътибор қаратиш, бу жараёнда аграр соҳа терминларининг лингвистик хусусиятларини алоҳида тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Fleischer W., Irmhild B. Wortbildung der deutschen Gegenwartssprache. — Berlin, 2012. — 484 s.
2. Hänsch G. Wörterbuch der Landwirtschaft, 2002. — 1445 s. — URL: <https://www.ulmer.de/usd-1556387/woerterbuch-der-landwirtschaft-.html>
3. Harro S. Handbuch der Linguistik. — München: Hueber, 2009. — 103 s.
4. Heribert P., Reiner A., Klaus-Dirk S. Einführung in die Terminologiearbeit. — München: Hueber, 2012. — 89 s.
5. Moskalskaja O.I. Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. — Moskau: Akademie, 2004. — 352 s.
6. Ortner H. Zur Theorie und Praxis der Kompositaforschung: mit e, ausführ! — Tübingen: Narr, 1984. — 410 s

7. Riesel E., Schendels E. *Deutsche Stilistik. Часть 2.* — Москва: Издательство Высшая школа, 1975. — 314 с.
8. Schmidt W. *Charakter und gesellschaftliche Bedeutung der Fachsprachen.* — Berlin: Sprachpflege, 1969. — 290 s.
9. Stepanova M.D., Cernyseva I.I. *Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache.* — Moskau: Hochschule, 1975. — 244 s.
10. Stepanova M.D., Fleischer W. *Grundzüge der deutschen Wortbildung.* — Leipzig: VEB Bibliographisches Institut, 1985. — 236 s.
11. Wellmann H. *Deutsche Wortbildung: Typen und Tendenzen in der Gegenwartssprache.* — Schwann: Düsseldorf, 1975. — 500 s.
12. Ахманова О.С. *Словарь лингвистических терминов.* — Москва: Сов. энциклопедия, 1989. — 509 с.
13. Ахманова О.С. *Словарь лингвистических терминов.* — Москва: Сов. энциклопедия, 1989. — 509 с.
14. Данькова Т. Н. *Основные этапы формирования и развития русской сельскохозяйственной терминосистемы.* — Воронеж: Научная книга, 2008. — 290 с.
15. Лотте Д.С. *Основы построения научно-технической терминологии.* — М: АН СССР, 1961. — 157 с.
16. Мадвалиев А. *Ўзбек терминологияси ва лексикологияси масалалари.* — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. — 384 б.
17. Мираҳмедова З. *Ўзбек тилининг анатомия терминологияси ва уни тартибга солиш муаммолари.* — Тошкент: Фан, 2010. — 345 б.

References

1. Fleischer W., Irmhild B. *Wortbildung der deutschen Gegenwartssprache* (Word formation of the German contemporary language), Berlin, 2012, 484 p.
2. Hänsch G. *Wörterbuch der Landwirtschaft* (Dictionary of agriculture), 2002, 1445 p. Available at: <https://www.ulmer.de/usd-1556387/woerterbuch-der-landwirtschaft.html>
3. Harro S. *Handbuch der Linguistik* (Handbook of Linguistics), München: Hueber, 2009. — 103 s.
4. Heribert P., Reiner A., Klaus-Dirk S. *Einführung in die Terminologearbeit* (Introduction to terminology work), München: Hueber, 2012, 89 p.
5. Moskalskaja O.I. *Grammatik der deutschen Gegenwartssprache* (Grammar of Contemporary German), Moskau: Akademie, 2004, 352 p.
6. Ortner H. *Zur Theorie und Praxis der Kompositaforschung: mit e, ausführ!* (To the theory and practice of the compounds research: with e, run!), Tübingen: Narr, 1984, 410 p.
7. Riesel E., Schendels E. *Deutsche Stilistik* (German Style), Moskva: Izdatel'stvo Vysshaya shkola, 1975, 314 p.
8. Schmidt W. *Charakter und gesellschaftliche Bedeutung der Fachsprachen* (Character and social significance of technical languages), Berlin: Sprachpflege, 1969, 290 p.
9. Stepanova M.D., Cernyseva I.I. *Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache* (Lexicology of Contemporary German), Moskau: Hochschule, 1975, 244 p.
10. Stepanova M.D., Fleischer W. *Grundzüge der deutschen Wortbildung* (Basic features of German word formation), Leipzig: VEB Bibliographisches Institut, 1985, 236 p.
11. Wellmann H. *Deutsche Wortbildung: Typen und Tendenzen in der Gegenwartssprache* (German word formation: types and trends in contemporary language), Schwann: Düsseldorf, 1975, 500 p.
12. Akhmanova O.S. *Slovar' lingvisticheskikh terminov* (Dictionary of linguistic terms), Moskva: Sov. entsiklopediya, 1989, 509 p.
13. Akhmanova O.S. *Slovar' lingvisticheskikh terminov* (Dictionary of linguistic terms), Moskva: Sov. entsiklopediya, 1989, 509 p.

14. Dan'kova T. N. *Osnovnye etapy formirovaniya i razvitiya russkoi sel'skokhozyaistvennoi terminosistemy* (The main stages of the formation and development of the Russian Agricultural Term System), Voronezh: Nauchnaya kniga, 2008, 290 p.
15. Lotte D.S. *Osnovy postroeniya nauchno-tekhnicheskoi terminologii* (Fundamentals of building scientific and technical terminology), M: AN SSSR, 1961. — 157 s.
16. Madvaliev A. *Uzbek terminologiyasi va leksikologiyasi masalalari* (Uzbek terminology and lexicology), Toshkent: Uzbekiston millii entsiklopediyasi, 2017, 384 p.
17. Miraxmedova Z. *Uzbek tilining anatomiya terminologiyasi va uni tartibga solish muammolari* (Anatomy terminology of the Uzbek language and its regulation problems), Toshkent: Fan, 2010, 345 p.